

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 17

06.01.2022 йил.

Октош шаҳарчаси.

“Наманган вилоят Давлат Солиқ бошқармаси” куйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар А.Иммовақисов шахслигида бир томондан, иккинчи томондан “Тўрақўрғон нефт базаси” масъулияти чекланган жамиятнинг куйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Файзиев шахслигида, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. “Етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва куйида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Жадвалдаги нефт маҳсулотлари нархлари ёки автобензин маҳсулоти нефт омборига қараб тури (Ли-80, Ли-92, Ли-95) ўзгариши мумкин.

Нефт маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича							
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак	
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма
Бензин АИ-92	2,67	13 000 000	34710000	2,67	34710000						
Бензин АИ-80		11 000 000									
Ўчок ёқилгиси		10 000 000									
Дизтопливо		11 400 000									
ЖАМИ:	2,67		34710000	2,67	34710000						

1.3. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси 34710.000 сўмни ташкил қилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранпортида, маҳсул автотранпортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда куйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот куйишга руҳсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун маҳсул автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг маҳсул автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсул транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётга имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хошишига кўра “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг ишчиномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юртади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлик олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортда етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденцати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсул автотранспортда ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъерий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партиясини учун ҳақини олдиндан қамида 5 кун олдин 100% миқдоридан «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган Ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шакланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади. Бунда «Етказиб берувчи» “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотлари расмийлаштириш қунидаги нарх бўйича ҳисоб китоб қилади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъминотидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгаририлганда

ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефть маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади.

4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида» ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузагувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорига жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга биноан қўлланилади.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар:

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, zilzila ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефть қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЭКПлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгилловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. _____

9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШINI ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Шартнома ўзгаришига баъзан ишда юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон ҳам амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусخада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириши ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Imzo: _____ 06.09.2022y.

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

«Тўрақўргон нефть базаси» МЧЖ

«Наманган вилоят Давлат Солик бошқармаси»

Х/р: 22604000204267762705

МФО: 00432 ИНН: 204585174

«Тўрақўргон нефть базаси» АТБ

Тошкент ш. Яшнобод филиали

Тошкент ш. Бобур кўча 2-уй

Директор: _____ Ш.Файзиев

ИСББ: _____ Х.Хусанбоев

Юридиконсулт: _____ Х.Мухсидинов

Ҳуқуқий ҳулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни талабларига зид эмас.

Ҳуқуқшунос: _____ Х.Мухсидинов.